

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 65 (1069)
29
МАРТ
ШАНБА
1958-ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Кеча Москвада, Катта Кремль саройида
Совет Социалистик Республикалари Иттифо-
қи Олий Советининг бешинчи чақириқ
биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.



МОСКВА. СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ биринчи сессияси. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг 27-мартдаги қўшма мажлиси. Митингларда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев. А. Ступин ва В. Савостьянов фотоси (ТАСС фотокорреспонденти).

СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ биринчи сессияси СССР Министрлар Советининг Раиси тўғрисида СССР Олий Советининг қарори

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:
1. Ўртоқ Никита Сергеевич Хрущев СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин.
Москва, Кремль 1958 йил 27 март.

2. СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрущевга СССР Хукуматининг состави тўғрисидаги таклифни СССР Олий Совети қаромоғига тақдим этиш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумини сайлаш тўғрисида СССР Олий Советининг қарори

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:
СССР Олий Советининг Президиуми қуйидаги составда сайлансин:
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ворошилов Климент Ефремович — Ленинград шаҳри, Киров сайлов округидан депутат.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари:

Тарасов Михаил Петрович — РСФСР, Уфа сайлов округидан депутат;
Коротченко Леонид Сергеевич — Украина ССР, Днепродзержинск сайлов округидан депутат;
Козлов Василий Иванович — Белоруссия ССР, Витебск сайлов округидан депутат;
Рашидов Шароф Рашидович — Ўзбекистон ССР, Қўқон шаҳар сайлов округидан депутат;
Ташенов Жумабек Ахметович — Қозғистон ССР, Ақтўбинск сайлов округидан депутат;
Чубинидзе Мирон Дмитриевич — Грузия ССР, Сталинск сайлов округидан депутат;
Абдуллаев Илбас Керим ўғли — Озарбайжон ССР, Хачмас сайлов округидан депутат;
Палецис Юстас Игнович — Литва ССР, Тельшай сайлов округидан депутат;
Кудица Иван Сергеевич — Молдавия ССР, Сороки сайлов округидан депутат;
Озолин Карл Мартинович — Латвия ССР, Екабпилс сайлов округидан депутат;
Кулатов Тўрабой — Қирғизистон ССР, Тўхтагул сайлов округидан депутат;
Рахматов Мирзо — Тожикистон ССР, Тожиқобод сайлов округидан депутат;
Арушанян Шмагон Минасович — Арманистон ССР, Ехегнадзор сайлов округидан депутат;
Сариев Ақмамед — Туркменистон ССР, Куйбисев сайлов округидан депутат;
Эйхфельд Иоган Гансович — Эстония ССР, Виру сайлов округидан депутат.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

Георгадзе Михаил Порфирьевич — Грузия ССР, Зестафони сайлов округидан депутат.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қўшма мажлисида раислик қилувчига

Конституциянинг 70-моддасига мувофиқ ва СССР Хукуматини тузиш тўғрисидаги масала СССР Олий Совети қаромоғига қўйилганлиги муносабати билан Министрлар Совети ўз вазифасини тамомлаган деб ҳисоблайди ва Олий Совет олдига ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

СССР Министрлар Совети бу аризани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига маълум қилишни Сиздан сўрайди.
СССР Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН.
1958 йил 27 март.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари:

Андреев Андрей Андреевич — РСФСР, Тула-Рязань сайлов округидан депутат;
Батиев Солих Гилимханович — Татаристон АССР, Елабуга сайлов округидан депутат;
Беляев Николай Ильич — Қозғистон ССР, Олмаота шаҳар сайлов округидан депутат;
Будённый Семён Михайлович — Украина ССР, Хмельницкий область Шепетовка сайлов округидан депутат;
Бурнацкая Галина Евгеньевна — Украина ССР, Черкасск сайлов округидан депутат;
Данилов Абдурахмон Даниялович — Доғистон АССР, Махачкала сайлов округидан депутат;
Капитонов Иван Васильевич — РСФСР, Москва область Серпухов сайлов округидан депутат;
Кириченко Алексей Илларионович — Украина ССР, Киев область Киев-Ленин сайлов округидан депутат;
Мазуров Кирилл Трофимович — Белоруссия ССР, Минск область Минск шаҳар-иккинчи сайлов округидан депутат;
Нуриев Зис Нуревич — Бошқирдистон АССР, Истарал-тамоқ сайлов округидан депутат;
Подгорный Николай Викторович — Украина ССР, Киев область Киев-Москва сайлов округидан депутат;
Привалов Михаил Моисеевич — РСФСР, Кемерово область Сталин сайлов округидан депутат;
Спиридонов Иван Васильевич — Ленинград шаҳри, Свердлов сайлов округидан депутат;
Турсунгулов Ҳамроқул — Ўзбекистон ССР, Тошкент қишлоқ сайлов округидан депутат;
Устинов Владимир Иванович — Москва шаҳар, Киев сайлов округидан депутат;
Фёдорова Варвара Ефимовна — Москва шаҳар, Красная Пресня сайлов округидан депутат.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1958 йил 27 март.

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганиннинг аризаси юзасидан

СССР Олий Советининг қарори

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

1. СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганиннинг СССР Хукумати СССР Олий Совети олдига ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризаси қабул қилинсин.

2. СССР Министрлар Советининг фаолияти маъқуллансин.
Москва, Кремль
1958 йил 27 март.

28 мартда Москвада бешинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

Раис столи олдига Миллатлар Советининг Раиси депутат Я. В. Пейве ва унинг ўринбосарлари ўтирибдилар. Депутатлар ва меҳмонлар томонидан давомли қарсаклар билан кутиб олинган Н. А. Булганин, О. В. Нуусинен, А. И. Микоян, Н. А. Мушкетинин, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, А. Н. Носигин ўртоқлар ҳукумат дозаларидан ўрин олдидилар.

Палата Мандат комиссиясининг Раиси депутат С. В. Черевенникога доклад учун сўз берилди. У қуйидагиларни маълум қилди: 640 сайлов округининг ҳаммасида Миллатлар Советига сайлов СССР Конституциясига ҳамда СССР Олий Совети сайлови тўғрисидаги Низомга тамомла мувофиқ равишда ўтказилган. Овозга қўйилган кандидатларнинг ҳаммаси депутат қилиб сайланган. Миллатлар Совети депутатлари орасида Совет Иттифоқида яшовчи 58 миллат ва халқ вакиллари бор. Сайланган ҳамма депутатларнинг 44,9 проценти бевосита ишлаб чиқаришда — заводларда, фабрикаларда, қишлоқларда, совхозларда ва МТСларда ишламоқда, депутатларнинг деярлик ярми Олий ва тамомланмаган Олий маълумотга эга. Халқ вакиллари орасида илгори совет фани ва маданияти ҳодимларининг катта отряди бор. Миллатлар Совети составига 176 хотин-қиз сайланган.

Депутат А. Н. Ахохонин таклифига мувофиқ, Миллатлар Совети қарор қабул қилиб, палатата сайланган ҳамма депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топди.

Шундан кейин, ўртоқ Н. С. Хрущевнинг «Колхоз тузумининг янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги» доклади юзасидан музокаралар бошланди. Биринчи бўлиб депутат Ж. А. Ташенов (Қозғистон ССР) сўзга чиқди. У, мамлакатнинг энг йирик қалла қонларидан бири бўлиб қолган Қозғистоннинг қишлоқ хўжалиги тамомла ўзгарганини тўғрисида гапириб берди. Колхозлар МТСлардан сотиб олаётган техникага ўзлари хўжайин бўлганларидан кейин, колхоз ишлаб чиқариши янада тез ривожланади. Ҳозирги вақтда хўжалиқларнинг деярлик ярми қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олмақда.

Ўртоқ Ташенов Қозғистоннинг хусусиятларини — кўп колхозларнинг МТС усадьбасидан узоқ масофада бўлганлигини назарга олиб, колхозларда техникани жорий ремонт қилганда мастеровойлар ташкил қилиниши, ремонт-техника станцияларида аса, кўча мастеровойлар бўлишини таклиф қилди. Шунингдек нотиж Қозғистонда

тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқарадиган бир қанча корхоналар қуриш тўғрисида СССР Госплани олдига масала қўйди. Пировардида, депутат Ташенов Қозғистон меҳнаткашлари партиянинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида белгиланган тадбирларини қизгин маъқулламақдалар, дейди.

Депутат Н. Е. Авхинович МТСлар Белоруссия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда яна катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб, республикада МТСларни қайта ташкил қилиш планлари ҳақида гапирди: 147 районда биттадан МТС ташкил қилинади, 81 МТСнинг филиаллари бўлади. 58 МТСни сақлаб қолгани таъкид қилинди, чунки бу МТСларнинг зоналаридаги колхозлар техникаси бу йил сотиб ола олмайдилар. Сақланиб қолган МТСлар ва ташкил қилинадиган МТСлар ўз ишларини хўжалик ҳисоби асосида юрдиладилар. Депутат республикага кўп миқдорда кичик эскаваторлар, бульдозерлар, торф ташувчи машиналар ва торф тайёрлайдиган бошқа техника келтириш зарурлигини тўғрисида гапирди. Шунингдек у, ёшнинг ҳамда машиналар учун запас қисмларнинг нархлари яқини хил бўлишига, колхозларни материал-техника билан таъминловчи ташкилотларнинг қўлинига хотиما беришни таклиф этди.

Докладда, — дейди ўз нутқида депутат М. З. Мирзаахмедов (Ўзбекистон ССР), — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг аҳоли учун анализ қилинган, колхоз тузумининг янада ривожлантириш соҳасида партия томонидан белгиланган тадбирлар эркин тасвирлаб берилган. Бу тадбирлар совет халқининг тўб манфаатларида жавоб беради, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни янги кенг перспективаларини очиб беради.

Умуман колхоз тузуми билан бир қаторда, Ўзбекистон республикасининг колхозлари ҳам катта таъриқлиқ йўлини босиб ўтдилар. Ҳозирги вақтда уларнинг кўпчилиги йирик, кўп тармоқли ва иқтисодий жиҳатдан мустақам хўжаликлар бўлиб қолди: ўтган йил уларнинг пул даромади қарийб тўққиз миллиард сўмга етди. Ўрта ҳисоб билан олганда, ҳар бир колхознинг даромади олти миллион сўмдан ортиди. Ўртоқ Мирзаахмедов Ўзбекистон колхозларининг кўпчилиги ҳозирдаги МТСлардан техникани сотиб олиш билангина қолмай, балки бу техникадан юқори унум билан фойдаланишни таъминлай олади, деди.

Сталин номи колхоз раиси (Ўзбекистон ССР) депутат Г. П. Литовченконинг нутқи эфр қизиди билан таянганлиги.

— Бизнинг колхозимиз, — дейди у, — техникани — 48 трактор, 30 дон комбайни, 16 маккажўҳори ва силос комбайни ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини МТСдан ҳозирдаёқ қабул қилиб олди. Биз машиналардан тўғри фойдаланиб, қўлқалнинг ноқулай келишига қарамай, бу йил эртанги дон экинларини экиб, кузги дон экинларини бороналарга қириндик. Меҳнаткорлар ўзларининг жонажон колхозига қайтиб келиб, эфр гайрат билан ишламоқдалар. Қўламли лада ишлари даврида бирорта ҳам машина техника ёки ташкилий нуқсонлар сабабли бекор тургани йўқ. МТСларни қайта ташкил қилиш вақтида колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишдан иборат муҳим масала келиб чиқди. Жумладан, машиналарнинг мураккаб ремонтини йиллик графикага мувофиқ уел метод билан ўтказиш системасини қилиб қилиш зарур.

Депутат И. А. Бенедиктов (РСФСР) жумладан, бундай леги: Республикада мавжуд ремонт-техника базаси қишлоқ хўжалик техникасининг ўрта ва капитал ремонтини тўла равишда таъминлай олади. Шу сабабдан, ҳозирги вақтда колхозларда йирик мастеровойлар қуришга шовишланиш мақсадида мувофиқ бўлмас эди. Колхозлар анча мукамал қишлоқ хўжалик машиналарини кўпроқ талаб қилмоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммаси бу машиналарнинг ишлаб чиқараётган заводларнинг ишлаб чиқариш программасини қайтадан қараб чиқиш заруриятини туғдиради. Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг алоқасини мустақамлаш учун конструкторлар ва механикаторларнинг иштироки билан техника конференцияларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш ҳамда бу конференцияларда истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган техника конструкциясини ва сифатини яхшилаш ҳақидаги таъвола-рини диққат билан қараб чиқиш мақсадида мувофиқлар. Ҳар бир машинага унинг гаранттилланган иш муддатини белгиланган бўлиши лозим.

— Партия колхоз тузумининг янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш масаласини умумхалқ муҳокамасига қўйиб, жуда доно иш қилди, — дейди М. Д. Чубинидзе (Грузия ССР), — Грузияда қисоб-лаб чиқилганча, республика колхозлари шу йилнинг ўзидаяқ МТС-лар илтифидида мавжуд бўлган ҳамма машиналарнинг камида 50 проценти-нинг ҳақини тўлаи олдидилар. Колхозчилар машиналарини севадилар ва улардан моҳирлик билан фойдаланадилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

